

Х.МАДАЛИЕВА,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
эркин изланувчиси

ИСЛОМ ДИНИДА “МЎЎТАБАР ШАХС”: ПАЙҒАМБАР ВА ВАЛИЙ ФЕНОМЕНИ

Бугунги кунда ҳаётни диндан ташқарида тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Бу диннинг кишилар турмушининг турли соҳаларига кириб борганида, маданияти, урф-одатлари, анъаналарига сингиб кетганида кўринади. Бундай уйғунлашув шунчалик кучлики, баъзан қайси қадриятлар диний, қайси миллий эканини ажратиш олиш ниҳоятда мушкул.

Узоқ вақт давомида маданиятимизнинг ана шу қатламини ўрганиш ман қилинган эди. Истиқлол туфайлигина динга, диний меросимизга муносабат ўзгарди. Ўзбекистонда бу соҳада ўзининг илмий асосланган сиёсати ишлаб чиқилди ва собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Мустақиллик йилларида динга бўлган ижобий муносабат эътиқод эркинлиги, давлат билан диннинг ўзаро муносабати масалалари мутлақо янги ҳуқуқий асосга қўйилганида яққол кўринади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек халқи тарихи, маданияти, маънавий қадриятларига янгича муносабат, миллий мафкура нуқтаи-назаридан ёндашиш давр

талаби бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, аجدодлардан ибрат олиб, юртга фойдаси тегадиган, илмми, маънавияти юксак комил инсон қилиб тайёрлашда азиз-авлиёларнинг ибратли ҳаёти ва ахлоқий намуналари, илгари сурган ғоялари акс этган китобларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш, ислом дини ниқобидаги турли нотўғри ақидаларидан ҳимоя қилиш долзарб масала саналади.

Инсоннинг илоҳиётга, Худога бўлган муносабатининг турли кўринишларини ўрганадиган йўналиш сифатида дин феноменологияси ривожланмоқда. Дин феноменологиясининг асосий вазифаси диний феноменларнинг умумий аломатларига қараб илмий асосда гуруҳларга ажратиш ва таснифлашдир. Бу гуруҳлар турли давр ва маданиятларда қардош бўлган феноменларни бирлаштиради.

Дин феноменининг илмий таҳлили билан шуғулланадиган мактаблар томонидан олиб борилган изланишларга таянган ҳолда, дин фалсафаси фани доира-

сида бугунги дунёнинг диний манзараси, диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва унинг истиқболлари билан боғлиқ масалалар дин феноменологиясида тизимлаштирилади. Дин феноменологияси тарихий шаклланишларни эътиборга олмаган ҳолда, диний факт ва воқеликнинг намоён бўлган жиҳатларини асосий ўринга қўяди. Турли динларнинг ибодат ва маросимларини, муқаддас жой, замон, нарса ва шахсларни тадқиқ қилиб, муштарак жиҳатларини топишга ҳаракат қилади.

Диндорлар ўзларининг эътиқодидан келиб чиққан ҳолда муқаддас санайдиган жойлар, китоблар, шахслар, кунлар, ойлар, буюмлар, вақт, сонлар, ҳайвонлар ва бошқа шу каби нарсалар мавжуд. Буларнинг барчасини Илоҳга боғлиқ бўлгани, уларда маълум бир илоҳийликни сезишгани, ёки бўлмаса Илоҳнинг назари тушган деб эътиқод қилишгани учун уларни муқаддас санайдилар.

Дин феноменологияси Илоҳ ҳақида фикр юритмайди, шу сабабли тадқиқотда динлардаги муқаддаслик сифати билан сифатланган инсонлар, яъни ислом динида пайғамбарлар, валийлар, христианликда Исо Масих, ҳаворийлар, буддавийликда эса бодхиссатва ҳақида тўхталиб ўтади.

Ислом динида Аллоҳдан ўзга ҳеч ким муқаддас саналмайди. Пайғамбарлар, валийлар, тақводор кишилар фақатгина катта ҳурматга лойиқ инсонлар сифатида қаралади. Пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида омма орасида турли низолар ва тушкунликнинг олдини олиш учун саҳобий Абу Бакр (р.а.) мусулмонларга қарата ақлга ортиқча эрк бериб, кўзига кўринган воқеаларни идрок қилиб, уларни муқаддас санамаслик кераклигини таъкидлаган. Пайғамбарлардан кейин катта ҳурматга сазовор инсонлар – авлиёлардир.

“Пайғамбар” форсча “хабар келтирувчи”, ислом динида Аллоҳни Ўз бандалари билан боғлаб турувчи элчи маъноларини англатади. Пайғамбарлар Аллоҳнинг амрини умматларига тўла-тўқис етказувчи вакиллардир. Қуръони каримда қуйидаги пайғамбарларнинг номи зикр этилган: Одам, Идрис, Нух, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зул-Кифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, Аяса, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад алайҳимуссаломлар. Пайғамбарлар гуноҳлардан покдирлар. Аммо пайғамбарлар ҳам оддий инсон бўлиб, баъзи кичик янглишиш ва хатолар содир қилган бўлишлари мумкин.

Ислом таълимотига кўра, пайғамбарларнинг энг биринчиси Одам (а.с.) ва сўнггиси Муҳаммад (с.а.в.) (570/571 – 632) дирлар. Уларнинг Аллоҳдан амр олишлари фаришта Жаброил (а.с.) орқали содир бўлган. Сўнгги нозил қилинган китоб Қуръони карим Муҳаммад (с.а.в.)га нозил қилинган. Баъзи бир диндан яхши хабари йўқ инсонлар пайғамбарни муқаддас санамасликлари учун қатор ўринларда ўзларининг дунёвий ишларда бошқа инсонлар каби эканликларини таъкидлаб ўтганлар. Қуръони каримда шундай дейилади: “(Эй, Муҳаммад, уларга) айтинг: “Ҳақиқатан, мен ҳам худди сизлар каби бир башардирман...” (“Фуссилат” сураси, 6-оят).

Пайғамбарлар икки хил бўлади: набийлар ва расуллар. Набий билан расулнинг асосий фарқи шундаки, набийга алоҳида бир шариат туширилмаган бўлиб, у ўзидан олдинги шариатга амал қилади ҳамда ўзига келган бу даражани бошқаларга етказишга буюрилмаган. Шунингдек, расулга шариат манбаси ҳам нозил қилинади.

Пайғамбарлар ўз одоб-ахлоқлари, ҳаёт тарзлари, инсоний фазилатлари, умуман

инсонлар учун турли жабҳаларда ўрнатилган бўладиган хислатларга эга деб ҳисобланадилар.

Ислом динида пайғамбарларга мўъжиза, валийларга эса каромат кўрсатиш хос бўлиб, уларга хос хусусиятдир. Оддий инсонларда кузатиладиган ғайриоддий ишларга нисбатан бу икки сўз ишлатилмайди. Агар ғайриоддий ҳодисалар пайғамбарлардан намоён бўлса мўъжиза, авлиёлардан содир бўлса каромат дейилади. Ўзга дин вакиллари, ёмон инсонлардан содир бўлса сеҳр-жоду, кўзбўямачилик деб аталади. Инсонларни ўзининг даъволарига ишонтириш учун сохта пайғамбарлар томонидан зоҳир бўлса ихфот дейилади. Мусайлима каззоб билан бўлган воқеа бунга мисол бўлади: у бир кўзи кўр кимсани тузатиш учун унинг кўзига туфлайди ва натижада, соғ кўзи ҳам кўр бўлиб қолди.

Энг кўп мўъжиза кўрсатган пайғамбар сифатида Муҳаммад (с.а.в.) эътироф этилади. Манбаларда айтилишича, Набий (с.а.в.) нинг мўъжизалари икки мингга етган экан. Пайғамбар (с.а.в.) мўъжизаларининг энг машҳурлари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: Исро ва Меърож воқеалари, ойнанинг ёрилиши, бармоқлари орасидан сувнинг сизиб чиқиши, тош ва дарахтларнинг уларга салом бериши, таомлари ва сувларидаги барака, қилган ҳар бир дуоларининг амалга ошиши, касалларнинг дардига шифо бўлишлари ва бошқалар. Аммо уларга берилган мўъжизаларнинг энг улуғи бу – Қуръони каримдир. Пайғамбарлардан кейин авлиёларнинг даражаси баланд ҳисобланади. Валийлар маънавий етуклик тимсоли ва гўзал ахлоқий фазилатлар эгаси, шариат аҳкомларини тўлиқ адо этадиган, тасаввуф талаб этадиган ишларни ҳам бир вақтнинг ўзида қила оладиган ҳар қан-

дай тақводор инсон етишиши мумкин бўлган даража саналади.

Ислом динидаги пайғамбарлар, валийлар феномени ўзига хос характерга эга. Юқорида айтилганидек, улар муқаддас эмас. Мустақилликнинг илк йилларида маҳаллий аҳоли орасида баъзан шундай ҳолатлар кузатилдики, авлиёларнинг қабрига бориб намоз ўқиб, улардан ёрдам сўрашди. Бу каби ҳолатлар анча олдинги даврларда ҳам бўлиб, ўша пайтлар ҳам улардан ёрдам сўраб, нажот кутишган. Бу каби ҳолатлар дунёнинг у ёки бу бурчагида кўзга яққол ташланади. Бу авлиёларни омма орасида салкам муқаддаслаштириб юборишлари натижасида содир бўлган бўлса ажаб эмас.

Авлиёларнинг билими ва кароматлари бир-биридан фарқ қилади, баъзан бириники иккинчисиникини тўлдиради. Авлиёлар ҳам зоҳирий, ҳам ботиний билимларни эгаллаган бўлиши керакки, токи иккиси жамланиб бир бутунликни ҳосил қилиши лозим бўлган.

Вақт ўтиши билан инсонлар орасида авлиёларнинг мартабалари ошиб борган, шогирдлар ҳам баъзан ўз пирларининг бошқа бирига нисбатан устунлигини намойиш этиш учун ривоятларни гапириб беришган, оғиздан-оғизга ўтиб бориши натижасида ҳар хил муболағали вазиятлар билан бойиб борган. Шу сабабли ҳам ақидавий матнларда улар ҳақидаги маълумотларнинг фақат ишончли кишилар томонидан қилган саҳиҳ ривоятларига ишонилиши таъкидланмоқда.

Авлиёлик даражасига етган инсонларга бўлган қизиқиш шу қадар кучли бўлганидан, уларнинг таржимаи ҳоллари билан шуғулланувчи фан соҳаси агиография шакллانган.

Инсонларнинг валийларга нисбатан ўзгача муносабатини тадқиқотчилар диндорлар бу ишлари билан Аллоҳга нисбатан қурбат ҳосил қилишлари, инсонларни тўғри йўлга бошлашларига ишонишлари ва валийларда Аллоҳнинг зоҳирий аломатлари намоён бўлиши сабабидан ҳам омма улар орқали Аллоҳга яқин бўлишга интилиб, дуоларини олишга ҳаракат қилишларини таъкидлайдилар.

Ислом ақидасига кўра, Аллоҳдан ўзгача нажот кутилмайди. Айниқса, вафот этганлардан ёрдам сўралмайди, чунки улар ҳеч нарсага қодир эмас, негаки уларнинг ўзи ҳаққиға қилинадиган дуога муҳтождирлар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда комил инсонни шакллантиришга қаратилган кенг қамровли, тизимли ишлар маънавий тамойиллар, шунингдек, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги асосида амалга ошириб келинмоқда. Бундан кўринадикки, Шарқ алломаларининг комил инсон, ахлоқ-одоб масалалари ҳақида илгари сурган ғоялари, асарларини ўрганиш, ёшларга, қолаверса жамият учун ўрнатилган бўладиган азиз-авлиёларнинг юксак фазилатлар ўз ифодасини топган ҳаёт йўллари доимий равишда тадқиқ этиб бориш лозим. Ёшларга эса, барча динларда ҳам яхши хислатлар саналган ҳалоллик, поклик, тўғрисиўзлик, юрт тақдирига бефарқ бўлмаслик, меҳнатсеварлик кабиларни ўз турмушида жамлай олган авлиёсифат тақводорларнинг ибрат намуналарини тўғри тушунириш керак. Ана шунда динийлик ва дунёвийлик тамойили мувозанатда туришига яна бир асос пайдо бўлади.



Расулulloҳ (сав)дан сўрадилар: «Ё Расулulloҳ, мусулмонларнинг афзали қайси кишидир?». У зот (сав): «Қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор топмаган кишидир», – деб жавоб бердилар.



Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Илм олиш ҳар бир мусулмон учун фарздир».

